

---

**Наврўз умумхалқ байрами шодиёналарига, халқ сайлига марҳамат!  
Ҳурматли Ўзбекистон тумани аҳолиси ва туманимиз меҳмонлари!**

Жорий йилнинг 15 март куни Яйпан шаҳридаги “Ўзбекистон” ўйингоҳида Наврўз умумхалқ байрами тадбирлари, халқ сайли бўлиб ўтади.

"Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, жонажон юртим!" шиори остида бўлиб ўтадиган байрам шодиёналари соат 17.00 да бошланади.

Янгиланиш ва яшариш фасли тантаналари давомида кўплаб қизиқарли томошалар, саҳналаштирилган байрам маросими, Малика Эгамбердиева, Элёр Мелибоев каби элимиз суйган, таниқли ва ёш санъаткорлар, сўз усталари ва моҳир аскиячилар иштирокида концерт дастури бўлиб ўтади.

**Барчани ушбу байрам тадбирига таклиф этиб қоламиз!**

2023-03-13 22:03:59